


Қуръони Карим дарслари (106-дарс). Муташобих сифатларга оид оятлардан намуналар



13:15 / 13.10.2020 3316

islom.uz - 062. ?????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????(3)

(учинчи мақола)

Халафларнинг кўплари эса: «Аршга истиводан мурод молик бўлиш ва тадбир қилишдир», дейдилар. «Фалончи аршни эгаллади» дегани «мулкка эга бўлди» деганидир. Гарчи тахтга чиқиб, ўтирмаган бўлса ҳам.

Аввал ҳам қайта-қайта таъкидланганидек, уламолар ушбу оятларда келган «истиво» сўзидан мурод нима экани тўғрисида ихтилоф қилганлар. Лекин ихтилоф қилишдан олдин барча уммат уламолар бу масалада қуйидаги нуқталарда иттифоқ қилганлар.

1. Муслмон уламолари ушбу масалаларда иттифоқ қилган нарсаларнинг биринчи нуқтаси қуйидагича:

Албатта, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бошқа ҳамма нарса янги пайдо бўлгандир. Шу жумладан, Арш ҳам янги пайдо бўлган нарса, яъни азалий нарса эмас.

Имом Байҳақий «Ал-Асмо ва сифат» деган китобда шундай ёзадилар:

«Тафсир аҳлининг қавллари иттифоқ қиладики, албатта, Арш сўрига ўхшаган нарсадир. Албатта, у жисмдир ва уни Аллоҳ таоло яратган ва фаришталарига уни кўтаришни амр қилган, уни улуғлаб, тавоф қилишни ҳам буюргандир.

Шунингдек, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ер юзида ҳам Байтуллоҳни халқ қилган (яратган) ва Бану Одамни уни тавоф қилишга ва намозда унга юзланишга амр қилган. Подшоҳнинг тахти арабларда Исломдан олдин ҳам, Исломдан кейин ҳам арш деб аталгани маълум ва машҳурдир. Аллоҳ таоло Юсуф сурасида марҳамат қилади:

الْعَرْشِ عَلَىٰ أَبِيهِ وَرَفَعَ

«Ота-онасини тахтга кўтарди» (100-оят).

Бу оятдаги биз «тахт» деб таржима қилган сўз оятда «арш» дейилган бўлиб, у подшоҳнинг тахти маъносини англатади.

Оятдаги «кўтарди» лафзи «ўтирғизди» маъносидадир.

Яна Аллоҳ таоло Намл сурасида марҳамат қилади:

مُسْلِمِينَ يَا تُوفِي أَنْ قَبْلَ بَعْرَشِهَا يَا تَبْنِي أَيُّكُمْ الْمَلَأُوا يَتَأَيُّهَا قَالَ ٣٨

«У (Сулаймон): «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга у(малика)нинг тахтини келтира олади?» деди» (38-оят).

Бу ерда ҳам подшоҳнинг тахтини англатувчи маъно оятнинг аслида «арш» лафзи билан келган.

Таёлисий, имом Аҳмад, имом Термизий, Ибн Можа, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ҳамда Байҳақий «Ал-Асмау вас-сифат» деган бобда Абу Разин Уқайлийдан ривоят қиладилар:

«Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратишдан олдин қаерда эди?» деб сўрадик. Бас, у зот:

«У «аъло» деган жойда эди. Остида ҳам, устида ҳам ҳаво йўқ эди. Сўнг Аршини сув устига халқ қилди», дедилар».

Мана шу айтиб ўтилган матнлар Аршнинг янги яратилган нарса эканига, қадимий, азалий нарса эмаслигига далолат қилади.

2. Мусулмон умматининг уламолари бу масалада иттифоқ қилган иккинчи нуқта қуйидагича:

Улар Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қадим эканига иттифоқ қилганлар. Аллоҳнинг мавжуд бўлишининг бошланиши йўқдир. Агар ундай бўладиган бўлса, Аллоҳ таоло «янги пайдо бўлган» нарсага айланиб қолади. У ҳолда Уни пайдо қилувчига муҳтожлик сезилади. Бундай ҳолатда «тасалсул» – занжир, силсила пайдо бўлиши лозим бўлиб қолади. Бу икки нарса ҳам ақлий ижмоъ ила ботил нарса деб эътиқод қилинган.

3. Мусулмон умматининг уламолари ушбу масалада иттифоқ қилган учинчи нуқта:

Албатта, Аллоҳ таоло янги пайдо бўлган нарсаларга тамоман хилофдир, улардан мутлақо бошқачадир.

Аллоҳ таоло Шуро сурасида марҳамат қилади:

ط شَيْءٌ كَمِثْلِهِ لَيْسَ

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир» (11-оят).

Аллоҳ таоло Марям сурасида марҳамат қилади:

سَمِيًّا لَهُ تَعَلَّمَ هَلَلٌ ٦٥

«Унга тенгдошни билурмисан?» (65-оят).

Аллоҳ таоло Ихлос сурасида марҳамат қилади:

الْفُلكِ عَلَى مَعَكَ وَمَنْ أَنْتَ أَستَوَيْتَ فَإِذَا

«Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган» (4-оят).

Бас, шундай экан, Аллоҳ таоло жисм ҳам эмас, жисмдаги ҳолат ҳам эмас, жавҳар ҳам эмас, Арш ҳам эмас ва Арш устида қарор топган ҳам эмас, осмонда ҳам эмас ва бирорта жиҳатда ҳам эмас. Унга замон ҳам таъсир

қилмайди. Махлуқларга бериладиган шунга ўхшаш сифатлардан бирортаси Аллоҳ таолога тўғри келмайди. Чунки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу нарсаларнинг барчасини Ўзи яратгандир, уларнинг Холиқидир. Уларнинг яралишидан аввал Ўзи мавжуд бўлгандир ва улардан беҳожатдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларнинг барчасининг яратилишидан олдин қандай сифатга эга бўлган бўлса, шундай ҳолидадир.

«Қуръон илмлари» китобидан